

ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 48 (6790)
1997 йил, 25 июнь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Умр тез оқар дарё. Куз очиб юмгунча лаҳзалар уз либосини узгартиради. Кечагина мактаб остонасига ҳадиксираб қадам бошган жажжи қизалоғу болалар бутун бу остонани узига булган ишонч, келажакка булган меҳр-садоқат билан тарк этишди...

Хайрлашув оқшомлари... Беғубор оқшомлар. У бир марта куйланган қушиққа ухшайди. Унинг уз

ри утказдик. Яъники, 11-синф ўқувчиларига шаҳодатномаларни қай тарзда топшириш ҳақида мулоҳазалар булди. Мактабни тарк этиш кечалари ўқувчиларнинг хотирасида ёрқин из қолдириши учун ҳокимият вакиллари, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, отаоналар, маҳалла қўмитасидан чақирилган вакиллар ҳамкорлигида бу кечаларни ташкил қилиш ўқитиб утилди. Хайрлашув оқшомлари дабдабали

ташкил этиляпти. Бу дегани 25 июндан 25 июльгача булган муддатда ўқув ишлари (ўқишга кирмоқчи булган ўқувчиларнинг билим малакасини мустаҳкамлаш ишлари) блок асосида олиб борилди.

— Унда ўқитувчиларнинг ёзги таътили қандай ташкил қилинади?

— Албатта ўқитувчилар бир ойлик меҳнатла-

БЕҒУБОР ОҚШОМЛАР

қадри, уз урни бор.

Шумуносабат билан Республика халқ таълими вазирлиги умумий урта таълим бош бошқармаси бошлиги уринбосари Пулатов Шукр Пулатович билан суҳбатлашдик.

— Хайрлашув оқшомлари қандай ташкил этиляпти?

— 1996-97 ўқув йилида 233 мингдан ортиқ ўқувчи 11-синфни тугатди. Бу ўқувчиларнинг хайрлашув оқшомини ташкил қилиш учун ҳар бир туман, вилоят, шаҳарларга тегишли тавсияномалар жунатилди. Яъни тантанали педагогика кенгашини утказиш (ўқувчиларга шаҳодатномаларнинг берилиши) комиссиялари ташкил этилди.

Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятидаги энг яхши мактабларнинг директорларини йиғиб мана бу битириш кечасини ташкил қилиш буйича давра суҳбатла-

эмас, аксинча самимий, дилга яқин тарзда утказилиши ҳақида айтилди.

— Ҳозирги ёшларнинг келажигига қандай қарайсиз?

— Бозор иқтисоди шароитида албатта, узига хос баъзи бир мураккаб ишлар мавжуд. Бу бевосита ёшларнинг руҳига таъсир қилмай қуймайди. Шунга қарамадан мен ҳозирги ёшларнинг руҳидаги қатъиятга, чидамга, сабрга ишонаман. Қолаверса, ҳукуматимизнинг гамхурлиги остида уларнинг яшаши, ўқиши, ўқишга булган қизиқишлари ҳамиша муҳофаза қилинади.

Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази томонидан чиқарилган ахборотномалар ҳар бир ўқув муассасаларнинг кутубхоналарига етказилиб берилди. Турли олий ўқув юрғларига кирмоқчи булган ўқувчилар ундан бемалол фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари мактаблар олдида бир ойлик курслар

ри учун маош олишади. Айни пайтда таътил маошлари ҳам қўшиб берилади.

— Хайрлашув оқшомларининг ўтиш тартиби сизни қониқтирадими?

— Яқинда 1-ТошМИ қошидаги лицейнинг хайрлашув оқшомида булдим. Оқшом кундуз соат 11.00 да бошланиб, кундузги 1.00 да тугади. Ундан кейин уларни автобуслар билан сайрга олиб чиқишди. Улар биргаликда расмларга тушишиб, музқаймоқхўрлик қилишди. Оқшом ниҳоятда файзли ва айни пайтда камтарин тусда утди. Қанийди ҳамма оқшомлар мана шу тарзда утса.

— Мактабни битираётган бу йилги ёшларнинг табиатидаги қатъият, аввалгиларига ўхшамаган эркинлик нимадан деб ўйлайсиз?



Тошкентдаги 34-мактаб битирувчиларининг хайрлашув ҳаяжонлари.
Сураткаш: Даврон АХМАД.

— Даврнинг учкур қанотида учаётган шитоб уларнинг тарбиясига таъсир қилиши табиий. Улардаги қатъият, мустақиллик, чидам каби хислатлар эса ҳозирги вақтнинг, жамиятнинг талабидир.

— Бу йилги битирувчи ёшларга тилақларингиз.

— Ҳозирги ёшларимиз уз ватанини севиб, миллий

қадриятларимизни, урф-одатларимизни қадрлай оладиган инсонлар булишини истаيمان. Мустақил ҳаёт бусағасида турган ҳар бир ёш «мен тайёрманми?» деган қатъий саволни уз олдида қуйиши керак. Шундагина уларни кутаётган келажакка муносиб фарзанд буладилар.

Суҳбатдош: ХАЛИМА.

«МЕВАЛАР КАМАЛАГИ»

— «Кока-кола» ичамизми? — деди Боб.
— Йўқ, «Мевалар камалаги»дан ичамиз! — деди Жонни.
— Ҳа, Шаҳрисабзда чиқарилган бу ичимликка тенг келадигани йўқ! — деб уни қувватлади Том.

Шу куни лондонлик болалар «Мевалар камалаги» шарбати ичиб, роса маза қилишди!

Бу яна қандай шарбат булди, деб қизиқаётгандирсиз-а?! Ҳозирча бу шарбат фақат лойиҳада.

Шаҳрисабз шаҳрида Ўзбекистон-Британия ҳамкорлигида мева шарбатлари тайёрлайдиган қушма корхона барпо этилмоқда.

Қушма корхонанинг таъсисчилари «Шаҳрисабз-консерва» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти, Англиянинг «Марказий Осие лимитед компания» ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ассоциациясидир. Қушма корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 20



минг тонна узум ва олма шарбатига тенг.

«Кока-кола»нинг урнига «Мевалар камалаги»ни реклама қилувчи қушиқ яратишга киришсак ҳам булади. Масалан, мен шундай мисраларни ездим:

*Қанча фойдали бўлса
Наврўзнинг сумалаги,
Ундан сира қолишмас
«Мевалар камалаги»!*

Қани, Сиз ҳам уриниб курилинг-чи?! Энг яхши реклама матни учун қушма корхонанинг махсус соврини бор...

ЙИРОҚ ЯҚИН БЎЛАР, КИММАТЛАР — АРЗОН

Бир тонна металл маҳсулотни Тошкентдан Қорақалпоғистонга поездда етказиб бориш арзонми ёки автотранспортда?

Ҳа, баракалла, темир йул орқали етказиб бориш автоуловдан кура икки баробар арзон тушади.

Буни катталар ҳам яхши билишадию, ҳар доим ҳам бунинг иложини топавермайдилар.

Тахياتош шаҳридаги тадбиркор амакинғиз Фарҳод Маҳмудов «Ўзбекметаллсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг ҳужалик ҳисобидаги корхонасини очди. «Учкудук—Туртқул—Нукус» темир йул тармоғи фойдаланишга топширилгач, етказиб келинаётган маҳсулотлар таннархи янада арзонлашаркан.

ОЛЛОЁР.

ТАЪМА

Ҳар тонг ёруғ ният билан остона ҳатлаб уйдан чиқасан. Атрофингни ураб турган она табиат сени кувониб кутиб олади. Оппоқ тонг, субҳидам саболари, дарахт япроқларининг шивири, гуллар силкиниши, қушлар чуғури юрагингга олам-олам қувонч булиб сингийди. Қуёшга боқасан, ҳаммага баробар нур сочади. «Юксақда булгани учун буюқдир» уйлайсан. Уйларингга эса ҳавас буй курсатади.

Одамларга боқасан, тонг ёришмасдан турмуш ишларига киришиб кетасан. Таъма эса эътиборсиз одамлар теграсида усиб-улгайди. Уларнинг бефарқликлари панасида қад ростлайди. Аммо унутмаслик керакки, таъма ёмон иллат, у жамиятимиз оёғига осилган оғир танбал тош. Биз олдинга интиламиз. Тунни тонгта

улаб, эл-юрт фаровонлигини ошириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун эзгу режалар тузиб, яхши кунлар умидида яшаймиз. Таъма эса жилмайиб йулимизни тўсади. У гоҳо манфаат, гоҳо қурқуна хоҳиш, баъзида ҳийла булиб буй курсатади.

Яқинда, тугрироғи, майнинг охири, июнь бошларида мактабларда имтиҳонлар айна авжига чиққан кунларнинг бирида қушнимизнинг уғлини маънос ҳолда учратдим. Уни гапга солдим. Сухбатга хуши йуқ, руҳи тушган, ерга урса, осмонга сапчийдиган қақажон болақайнинг хафалиги сабабини билгим келаверди. Уқишларини сурадим. Имтиҳонлари, синфдош дўстлари-ю, муаллимлари ҳа-

қида устма-уст савол беравердим. Гап имтиҳонга келиб тақалганда, бола тилга кирди. «4» ва «5» баҳоларда уқийдиган бу бола имтиҳондан «3» баҳо олибди, дарсларга қатнашмай, зур-базур узлаштираётган баъзи бир синфдошлари эса, ундан юқори курсаткичга эришибди.

«Нима қилибди, қушни бола имтиҳонга яхши тайёрланмаган», — деб уйлаётган булсангиз керак. Қани эди шундай булса, аммо ҳақиқат бошқа томонда экан. Йил буйи паст баҳода уқиб, имтиҳонни «аъло»га топширган уқувчилар имтиҳон буладиган куни уқитувчиларига синф раҳбарининг тавсияси билан турлитуман овқатлар пишириб ке-

лишган. Қушнимизнинг боласи Нодиржоннинг эса онаси касал. Отасининг маошига қараб кун қуришади. Бола оиладаги вазиятни узича баҳолаб, синф раҳбари «Имтиҳон куни ош қилиб кел» — деса ҳам бу гапни оиласидагиларга айтмаган. Фақат муаллимига онаси бетоблигини айтган. Уқитувчи эса уни тушунмаган. Хуллас, сузи синган синф раҳбари, Нодиржондан узича «қасд» олган. «Туполончи, дангаса, айтганимни қилмайди, жамоат ишларига қатнашмайди», — деб баҳосини пастлатган. Нодиржон кузларини пастга тикканича, бу воқеани менга сузлаб бераркан, охирида «Шу адолатданми?» — деди.

Нодирнинг кайфиятидаги сулғинлик менга кучди. Дилим қабарди. Шу куни не

«Шу адолатданми?»

юмушга қул урмай, ҳаёлимда унинг «Шу адолатданми?» деган сузлари жаранглаб тураверди.

Ахир уқувчи ҳаётга, илм-маърифатга бошловчи, ҳақиқат ва адолат эшигини очувчи уқитувчиси — устозинингки, қилмишидан безиб бизни саволга тутаётган экан, таъма отлик буюк нафс балосидан руҳи равонимизни тозалаб, унга жавоб айтишимиз зарур.

Ҳа, таъма адолатли, демократик, инсонпарвар, жамиятимиз танасига ёпишган зулук, унинг касридан қанча кунгиллар зада. Мен таъмагирларни сотқинлар дейман. Улар каттадир, кичикдир, барибир эл-юрт хоини ҳисобланади. Аммо, энг ачинарлиси шундаки, таъмагир биз билан ёнма-ён яшайди, ишлайди, туй-ҳашамларда қабатимизда туради. Бир суз билан айтганда, уни ҳамма танийди. Аммо...

Бунга сиз нима дейсиз, азиз газетхонлар?!

Шоира РАУПОВА.

Мен ногиронлигим сабабли мактабга боролмадим. Уқиш ва ёзишни уйда ургандим. Мехрибон муаллимамининг уйга келиб уқитганлари зое кетмади. Тез кунда уқиш ва ёзишни урганиб олдим.

Ушбу мактубни ҳам уз қулим билан ёзганман. Шейр ёзишга, расм чизишга қизиқаман. Дўстларим, уртоқларим даврасида уйнаб-кулгим келади. Мактабга бориб, парталарда утириб тенгдошларинг билан дарс тинглаш бошқачада, барибир.

Буларнинг бари менинг умрбод армонимга айланиб қолди. Янаям худога шукроналар айтаман. Умрбод дард азобларидан оёғим тугул, қулим ҳам ишламай тушакка михланиб қолишим, ёки булмаса бу дуненинг ёруғ кунларини қурмасдан олиб кетишим ҳам мумкин эди-ку, дея узимни овутаман. Газетангизнинг яқин сонларининг бирида берилган Муҳаммад ЮСУФ билан суҳбат ме-

КАБУТАР ҚАНОТИДАГИ МАКТУБЛАР

Ассалому-алайкум «Тонг юлдузи» ижодкорлари!

Мен купдан буён газетангизнинг ҳар бир сонини қизиқиш билан уқиб, кузатиб бораман. Бу газетага шунчалик урганиб қолганманки, газета келадиган кунлари синглим Камоланинг мактабдан эртароқ келишига кузтиқиб утираман. Худо берган дардни яширишининг нима кераги бор... Кузим ожиз, қўлларим ёрдамида уқийман. Мен бундай уқишни Косонсойдаги интернатда урганиб қайтдим. Баъзида ота-онам, уқитувчиларимдан жуда ҳам хурсанд булиб кетаман. Умрбод ҳеч нарса ни уқий олмаслигим ҳам мумкин эди-ку. Жуда куп уқийман. Иложи борича кучага чиқмасликка ҳаракат қиламан. Сабаби, одамларнинг менга раҳмилари келишини истамайман. Баъзида кучаларда болаларнинг бир-бирларига нисбатан китобларда ҳам ишлатилмайдиган бемаъни сузлар айтиб биров-бировларини ҳақорат қилаётганларини эшитиб қоламан. Шунда менга раҳмилари келатган одамларга қараб, кузи қурлардан эмас, кузи очик, қалби қурлардан қурқинг, дегим келади. Менинг кузим онадан тумма эмас. Бу дуненинг жамики

рангларидан хабардор булганман. Кузим очик вақтларида яхши билан ёмонни ажратолмаган булишим мумкин. Чунки купроқ кузимга суянганман. 9 ёшимда кузимдаги парда катталашиб, кузим хиралаша бошлади. Бундан хавотирланган отам билан онам мени жарроҳга олиб боришди. Операция столдан турганимда ҳеч нарса ни батамом қурмай қолганимни сезиб уқраб юбордим. Ушандан кейин уйлай бошладим, қани эди қур булиб қолишимни билганимда эди, ҳеч булмаса операция столга чиқишдан олдин ҳамма-ҳамма нарсаларга осмонга, ойгаю юлдузларга, дўстларим

ЁРУҒЛИК ҚАДРИ

у, ҳаттоки чарх уриб учаётган қушларгача туйиб-туйиб қараб олардим.

Мен ушандан кейин дунени қалбим билан кура бошладим. Шунинг учун ҳам яхши ва ёмонни тез ажрата оламан. Яқинда 17 га туламан. Болаликнинг қадрига етмасдан, болаликни кучада утказиб юборётган ука-сингилларимга

ачинаман. Қани энди кузларим бир кун булса ҳам очилса-ю, яна бир марта бу рангин дуненинг турфа рангларига туйиб-туйиб қараб олсам. Кузларимдаги бир хил зимистонликни бир оз булсада ёруғлик чулғаб олса... Эҳ, болажонлар-а, бу ёруғликнинг қадрини тушунмаяпсизлар-да...

Фарида ТЎРАЖОНОВА,
Чўст туманидаги Олмос
кишлоғи.

P.S.

Биз Фариданинг мактубидан қаттиқ таъсирландик. Бу фақат болаларга эмас, балки, баъзи ҳаёт йўлларини тўғри йўлга солиб ололмаган катталарга ҳам тегишлидек туюлади. Азиз газетхон! Дўппини ёнга қўйиб бир уйлаб кўрайлик-чи, ёруғликнинг қадрига бизлар етмаймизмикин? Сиз нима дейсиз?..



ЯШИШГА УНДАЙДИГАН НАРСА...

ни сизларга хат ёзишга мажбур қилди. Инсоннинг ҳаётда ушлаб турадиган, янашга ундайдиган нимасидир булади, шекилли назаримда.

Мен ҳам Муҳаммад ЮСУФнинг шеърларига суянаман. Ҳаётдан чарчаган вақтларимда уларнинг шеърларини уқисам енгил тортиб, чарчоқларимни унуттандек буламан. Суҳбатда еш ижодкорларга берилган маслаҳатлари менга ёқди. Лекин иккинчи маслаҳатларини тушунолмадим.

Мен Тошкент шаҳридан узоқда, чекка қишлоқларнинг бирида яшайман. Муҳаммад ЮСУФ билан бир марта булса ҳам гаплашгим, ёзган шеърларимни курсатгим келади. Мендан шоир чиқармикан, сурагим келади?

Зарифа УМУРЗОҚОВА,
Фаргона вилояти, Учкўприк тумани.



Йул буйида борар экансиз эътиборингизни пахтазорлар тортади. Ажаб, пахта далалари иккига бўлиб қуйилгандек. Баъзилари шоналаган, ел бетини қоплаб, барқ уриб ушиб ётибди. Баъзи пайкалларда эса бундай манзара кузга ташланмайди. Гузалар ола-галоқ. Анови пайкалларнинг ичида одамлар қуринмагани ҳолда бу пайкалларда одамлар ут юлиш билан овора.

— Нега бундай? Дул уриб, қайта экишканмикин?

— Йук. Булик пайкаллар янги-ча усулда — плёнка остига экилган ниҳоллардир. Плёнка усулида чигит битталаб экилади ва уша жой тешилади. Уруг иқтисод қилинади. Ягана қилинмайди. Кейин плёнка остидаги ёввойи утлар ушиб чиқмайди. Унгани ҳам саргайиб, қурийд. Натижада ёввойи утга кетадиган ернинг кучи гузага сарф булади. Плёнка қуёш нуруни узи-га олиб, ерни қиздиради. Гуза илдизлари намлик излаб, чуқурлаб кетади. Натижада сершона, серку-сак булади. Плёнкасиз экилган майдонларга нисбатан бир ой олдин етилади.

— Нега энди бир ой олдин?

— Пахта ҳосили қуёшдан уч минг даража иссиқлик олмагунча пишмайди. Ҳа, чаноқларда лупилупи бўлиб очилмайди. Гуза узи-га керак булган бундай ҳароратни кундузи узоқ булган қуёшли кунлардан туплайди. Май, июнь, июль ойлари ана шундай қуёшли кунлар ҳисобланади. 24 соатнинг 15-16 соатида деярли қуёш чарақлаб туради. Плёнка остига экилган пахта ниҳоллари қуёшнинг ана шу марҳаматидан тулик баҳраманд бўладилар. Шунинг учун ҳам бир текис, барвақт пишиб етилади.

КИТОБЛАР БАЙРАМИ

— Раҳмат, куп воқсалардан хабардор қилдингиз. Энди ушбу сафардан мақсадни ҳам айтарсиз.

— Айтаман, айтганда қандоқ. Мана иккинчи йилдирки, Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси китоблар байрамини утказиб келяпти. Уни чинакам маънавият гулго-жи дейиш мумкин. Утган йили бундай қизиқарли байрам Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган эди. Бу йилгиси Фаргона шаҳрига тайин этилган. Биласизми ҳозир матбуот қўмитаси тасарруфидан ушлаб нашриётлар, жумладан «Ёзувчи», «Чулпон», «Уқитувчи», «Меҳнат», «Мерос», «Ибн Сино» каби шунингдек, «Тонг юлдузи», «Солнишко», «Гулхан», «Гунча» каби болалар нашрлари, «Кузгу», «Сирли олам» каби ҳафтаномалар муҳарририяти фаолият курсатаёпти. Йилга миллионлаб нусхада китоблар, тиббий ва илмий нашрлар чоп этилмоқда.

— Тушунарли. Гапингизни мазмундан ана шу нашриётлар чоп этган китоблар китоб байрамида намойиш қилинади, шундайми?

— Нафақат китоблар, балки бу байрамда уларни ёзган муаллифлар, муҳаррирлар, ноширлар, ҳатто китоб тарқатувчилар ҳам иштирок этадилар. Кейин китобхонларнинг талаб ва таклифлари буйича янги буюртмалар олинади. Бундай китоб байрами ҳам курик, ҳам имтихон вазифасини утайди.

КАРНАЙ-СУРНАЙ САДОЛАРИ

— Ух-ху, карнай-сурнай садоларими?



— Худди шундай.
— Бу хурсандчилик ким учун?
— Кимга буларди, биз учун-да. Хув анови мезбонлар ичида боладек самимий кулиб турган, оқпардан келган одамни қуряписизми? У Қўмитанинг масъул ходими — Жаббор Раззоқов булади. Фаргонага олдинроқ келиб, ташкилий ишларни йулга қуйиб, бизни кутиб оляпти. У киши бутун умрини матбуот ишларига бағишлаганлардан. Болаларнинг «Тонг юлдузи» ва ёшларнинг «Туркистон» газеталарида бош муҳаррир бўлиб ишлаган.

— Ҳа, тушлик овқатдан кейин бизни яна қандай сафар кутаётганлигидан хабарингиз борми?

— Йук, қилиб қуйсак ёмон булмасди?

— Олдиндан айтиб қуйсак қизиғи қолмайди-да. Марҳамат, мана бу ҳашамамли автобусга чиқайлик.

— Вой-бу, автобуснинг бунақасини қурмаган эдик. Икки қаватлими? Уриндиклари самолётникига ухшайди-я. Ҳайдовчиси йўловчилардан бир одам бўйи пастда утирар экан-да. Бу қайси фирманинг мошинаси бўлдикин?

— Ҳозир, ҳайдовчилан сураимиз-да.

— Бу Туркия билан Олмония давлатлари қўшма корхонасида йи-

милар?

— Ривоят қилишларича Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёвлари, турт чорённинг бири Ҳазрат Алининг қабрлари шу ерда эмни. У кишини Шохимардон, Шери Оллоҳ деган номлари бор. Оламдан утганларида у кишининг жасадлари куп талаш булган экан. Шунда Оллоҳдан Ҳазрат Алининг жасад етти жойга қаерга оқ сув билан кук сув бир-бири билан қўшилиб кетган бўлса уша жойга дафн этилади, дейилган илҳом булган эмни.

Ана шу ривоятдан кейин шохимардонликлар кук сув билан оқ сув қўшилган мана шу ерга мақбара қуриб Ҳазрат Алининг рамзий қабрларини тиклаганлар. Шохимардон Оллоҳ назари тушган жой сифатида улугланади. Одамлар узоқ-яқиндан келиб зиёрат қиладилар.

Шохимардонда китобхонлар билан учрашувлар, шеърхонлик бошланади.

— Жушиб-жушиб шеър уқий-



— Олма...

— Шафтоли...

— Урик...

— Тополмадинглар.

— Мен топдим, бодринг!

— Марҳамат, совгани олинг. Оромгоҳда дам олаётган болалар «Гунча», «Гулхан», «Тонг юлдузи», «Солнишко» муҳарририяти номидан совгалар олдидлар.

Шундай қилиб «УзДЭУавто» қўшма корхонаси ҳомийли-

дан бошимиз осмонга етди.

КИМ БОЙ?

Учрашувларнинг энг каттаси Фаргона шаҳрининг энг катта боғида будди. Бу ерга китоб дуконлари кучиб келган. Тошкентлик ноширлар ҳам узоқ китобларини куз-куз қилган. Вилоят радиоси, телевиденияси, газеталари учун интервьюлар беришган. Ёзувчи шоирларимиз китобхонлар билан учрашиб узоқ дастхатларини қолдирган. Яна шеърхонлик, газалхонлик...

Ана шу байрамона олам ичида бир одам мени тухтагиб сураб қолди.

— Ораларингизда Тоҳир Малик борми?

— Йук, чет элга сафарга кетган эди. Гапингиз булса етказамиз.

— «Шайтанат»нинг учинчиси қачон чиқаркин?

— Ёзиб тугатганидан хабаримиз бор, лекин...

— Шу дейман, ораларингизда энг бойларингиз Тоҳир Малик булса керак-а?

— Ҳа, Тоҳир Малик, уқувчилари куплиги жиҳатидан энг бой ёзувчи.


ҚУЁШГА ҚАРАГАН ҲОВЛИ

Шундай қилиб икки кунга мулжалланган Фаргона сафари ҳам, китоб байрами ҳам ниҳоясига етди. Шаҳар билан хайрлашиб кум-кук оламга бурканган водий йуллари буйлаб Тошкентга қайтамиз. Кучанинг икки чеккасида шундоқ-қина дарвозалар ёнида мева-чева қўйилган курсилар кузга ташланади. Албатта бу йулдан утиб бораётган харидорлар учун бир қулайлик. Биз беихтиёр бир ҳовли рупарасида тухтадик. Ҳар бири тухумдек тухумдек келадиган уриклар, пилладек келадиган шафтолилар, олма-лар саватчаларга териб қўйилибди. Ичкаридан уй эгасини чақирдик. Бироқ уй эгаси бизга синчиклаб тикилди-да, юзларида севинч балқиди. Купдан кутган меҳмонларини кургандек ҳовлига таклиф қила бошлади.

— Мен сизларни таниб турибман. Кеча манови синглимини, манови укамни ҳамма-ҳаммангларни вилоят телевизорда курсатипди. Сизлар ёзувчисизлар. Топдимми?

Биз олди қуёшга қараган, мевалари гарқ пишган бу хонадондан зур-базур чиқамиз. Хонадоннинг бошлиғи Шохимардон акага, турмуш уртоғи Баҳри опага, қулиқулига тегмай дастурхон ёзган қизлари Дилфузахонга миннатдорчилик билдирамиз. Улар бизни қуйиб юборгилари келмай кузатиб кучага чиқадилар. Туй қилсалар, албатта, келишимизни таъкидладилар.

Биз ушбу хонадон тимсолида бутун водий одамларини кургандек буламиз. Қалбимиз гурур ва фаҳрга бўлиб, қаердасан Тошкент дея йулга отланамиз.



Эркин МАЛИКОВ 2. ОДАМЛАР - ЮРУВЧИ КИТОБЛАР



Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси йўриғи билан



рилган машина. Икки қаватли бўлиб куринишига сабаб, биринчи қаватида юклар жойлашади. Оз ҳам эмас — куп ҳам эмас, 10 тонна юк кетади. Бу давлатларо қатнайдиغان машина. Мотори танкикидан қолишмайди.

— Жавоб қониқарли бўлдики? Биз мақтаган водий кучаларига, кундан-кунга чирой очиб бораётган гузал мустақил юртимизга мана шунақа автобуслар ярашади-да. Уларда сайр этиш баҳри дилингизни қанчалар очишни бир уйлаб куринг.

ШОХИМАРДОН

— Ажабо, яна тоғлар бағрига кириб келяпмизми?

— Шохимардон ҳақида эшитганмисиз? Кимки Фаргонага келибди, Шохимардон зиератида булмаса фарғоналикларнинг кунгли тулмайди. Тошдан-тошга урилиб оқаётган анови сувнинг ҳам номи Шохимардон сой. У ирмоқ — Оқсой билан Куксойнинг қўшилувидан ҳосил булади.

— Ух-ху, бу ер роса гавжум булар экан-да.

— Бу ерга бутун водийдан келишади. Анови чойхоналар, етоқхоналар ҳаммаси зиератчиларга. Уни қаранглар, янгилик. Илгари келганимда қурмаган эдим.

— Нимани?

— Ахир, Шохимардон пиримнинг зиератларига чиқилган йулни лифташтирашибди-ку. Жуда тик эди-да узиам. 250 га яқин зина. Узоқ-яқиндан келган кексалар юқорига чиқа олмай, армон билан қайтиб етар эдилар. Мана энди худди метродаги-дек лифт урнатишибди, қандоқ яхши.

— Шохимардон ким булганлар? У киши шу ерда яшаган-

ган шоирларни танитинг, билиб олайлик.

— Мана, танишишга ҳам навбат келди. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, шоир Мирпулат Мирзо, Усмон Қучқор, Анвар Обиджон, Муҳтарама Улуг...

Энди бизни олдинда яна бир учрашув кутмоқда. Буниси болалар оромгоҳида. Ҳа, фақат болажонлар билан. Бир маза қиладиган бўлди-да.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲИДА

Болалар билан мулоқотимиз шундай бошланади:

— Юрувчи китобларни курганмисизлар?

— Йук, қурмаганмиз.

— Унда куриб қуйинглар, қаршингизда турган кишиларнинг ҳар бири бир улкан китоб. Сиз уқийтган китоблар, дарсликларни ёзган одамлар. Биз бугун уз оекларимиз билан ҳузурингизга келдик. Марҳамат, бизни «уқиб» олинг.

Болалар юзида самимий табасум, ҳайрат, савол-жавоблар. Биз ана болаларга юзланамиз:

— Шеър биласизларми?

— Биламиз.

— Уятчан эмасмисизлар?

— Сал-пал.

— Ким биринчи бўлиб шеър айтса, муқофотимиз бор.

Муқофот яхши нарса-да, саҳна шеър айтувчи болалар билан тулиб кетди. Болалар шеърларига шоирлар Анвар Обиджон, Сафар Барно, Ёқуб Хужасевлар уз ёзган шеърлари билан жавоб беришди. Сухбатимиз эса давом этди:

— Топагонмисизлар?

— Ҳа...

— Унда битта топишмоқ айтмиз. Топганга муқофот!

— Айтинг.

— Пишса бемаза, пишмаса маза?

Мен отам ва онамнинг, катта бузим ва опокдадамнинг мана бу уғитларидан озиқла-
ниб вояга етдим. Уларга сизларнинг ҳам
эътиборин-
гизни қарат-
моқчиман.

«Яшил майсани узмагин,
бўйинг ўсмай қолади».

«Полапонни (қуш боласи-
ни) ушлама, қўлингнинг захри
ўтади».

«Чумчуқ уясини бузмагин,
қарғайди, тўғрилаб қўйсанг са-
воб бўлади».

«Нон ушоғини босмагин, увол
бўлади».

«Одамнинг юзига туфлама, қўлингга
сўгал
чиқади».

Сулаймон РИСБОЕВ

«Бақага
тегсанг,
юзинг тўр-
лаб қолади».

«Илонни ўлдирма, қасдга
адоват уйготасан».

«Ота-онангга ёмон муноса-
батда бўлсанг, боланг ҳам сен-
га шуни қайтаради».

Қани, болалар бу гаплар ҳақи-
да сизлар қандай уйлайсизлар?
Улар менга бекордан айтмаган-
дирлар...

Қирғизчадан Неъматжон
МАМАТОХУН ал-Лангарий
таржима қилди.



20 МИНГ ЙИЛ АВВАЛ ПАЙДО БЎЛГАН ДЎСТЛИК


Одам билан итнинг дўст-
лиги бундан 20 минг йил
аввал пайдо бўлган, дейи-
шади АҚШ олимлари.
Даставвал итни Евроосиё
ва Шимолий Америка аҳо-
лиси ўзларига ўргатиб, ов-
га чиққанларига уйни қў-
риқлашда фойдаланишган.

Янги Гвинеядаги папуас
қабиласи агар момақалди-
роқ гумбурла-
са, ўлганларни
қўриқлаб ётган
итлар ҳурди,
деб билишади.

Қадимги
эфиопиялик-
лар ит қиёфа-
сида худо бор-
лигига ишониб,
унга тавба та-
зарру этишган.

Қадимги ассирияликлар
ва бобилликлар итни уриш-
ни катта жиноят деб би-
лишган. Улар итга ювинди
бергандан кўра, одамни ўл-
дирган кишининг гуноҳи
енгилроқ, деб ҳисоблаш-
ган. Сабаби, «Итсиз уй қар-
овсиз қолган бошпана би-
лан тенг. Остонасида ити
йўқ уйнинг бори ҳам, йўғи
ҳам бари бир», — деб ва-
сият қилишган ўша давр
алломалари.

Атоқли математик Пи-
фагорнинг ўзи Мисрдан ту-
ғилиб ўсган юрти Грецияга
қайтганида шогирдларига:
«Вақти соати тугай деб тур-
ган беморнинг оғзига итни
яқин ушлаш керак, шунда
одам жони итга ўтади», —
деб ўргатган экан. Чунки,
одамни ўлимдан сақлаб қо-
лишда имконияти катта, ра-



ҳмли ҳайвон ит деб би-
лишган.

Сукрот, Платон, Диоген...
каби олимларнинг бариси
ҳам итни айрича тасвир-
лаб, ўз асарларида баён
этишган. Римликлар ҳам
греклардан қолишмаган.
Танга пулларига, фреско-
ларига итнинг расмини чи-
зишган, Буюк Вергилий ит-
ни шеърларида мадҳ эт-
ган.

КИДИРБОЙ ТЎЛАБОВ
тайёрлаган.

Яқинда Самарқанддан — болалар шоири Олқор Да-
мин бошчилик қилаётган «Наъматак наволари» тўга-
раги аъзоларидан бир туркум шеърлар келди. Шеърят
бўстонидан ўз таъби, ҳаёлига мос гуллар терган тенг-
дошларингизнинг—30-мактаб ўқувчилари ижодидан сиз
ҳам бахраманд бўлинг.

ҚИЗЛАР МУШОИРАСИ

ЭРТАЛАБ

Эрта билан тураман
Деразани очаман.
Мўралайди тонг қизи,
«Дугона» деб кучаман.

Мубина ЗОКИРОВА,
5-«А» синф ўқувчиси.

ОНАЖОНИМ, ОНАЖОН!

Онажоним, онажон,
Хафа бўлманг, ҳеч қачон.
Кўзингизда ёш кўрсам,
Йиглаб тургандай жаҳон.

Дилсўз СОДИҚОВА,
4-«А» синф ўқувчиси.

ҚУШЛАР

Қушлар, қушлар,
келингиз,
Осмонларда учингиз.

Келинг, сизга дон берай,
Дарахтлардан тушингиз!

Шахло ХАЛИЛОВА,
4-«А» синф ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон — она-Ватан,
Ўзбекистон — гул Ватан.
Бизни бахтиёр қилган —
Мустақил юрт —
шул Ватан!

Дилдора НОРҚУЛОВА,
4-«А» синф ўқувчиси.

БОҒДА

Ҳар хил гуллар ичида
Мен ўйноқлаб юраман
Қушларга қулоқ солиб,
Ширин ҳаёл сураман...

Назира РАҲМОНОВА,
5-«А» синф ўқувчиси.



— Дафтарим тўлди, янгисини олиб беринг дада.
— Майдалаб ёзгин, анчага етади.

Рассом: Муроджон УНГАРОВ.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Арзон тош синдирса, зар косани гар,
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар.

Овламоқ учун бир кунгилни
нуқул,
Бошқасига озор бермоқ
номаъқул.

Пашша епирилса зур
филни енгар,
Салобатли полвон жоҳилни енгар.
Чумоли бирлашса иттифоқ булиб,
Арслон терисин олажақ шилиб.

Йулингга чуқурни курсатган инсон,
Наздимда ҳақиқий дустинг бегумон.

Ақлли булади жаҳонгашта
хул,
Иссиқ-совуқни татиб курмиш
куп.

Машаққат чекмаган топмас хазина,
Тун ортидан келар кундуз ҳамиша.

Уз манглай теридан нон еган киши
Ҳотам ҳимматидан озод ёз-қини.

Тафаккур гулшани

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КўМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0375.
10960 нухсада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошширинг вақти 19.00
Тошширилди — 18.30
Навбатчи муҳаррир Ф.Одилова.

• Руйхатдан ўтин тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25